



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 180 (12.993)

Баҳоси эркин нарҳда

ЖАҲОН УЗРА ТАРАЛМОҚДА “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”

Самарқанд шаҳрида 28 август куни “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!
Қадрли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган, қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида, не-не буюк воқеалар гувоҳи бўлмиш мана шу муаззам ва улугвор Регистон майдонида сиз, азизларни – “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларини чин қалбимдан муборакбод этишга, Самарқанд аҳли номидан, бутун халқимиз номидан “Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Самарқандга!” деб, қизғин салом ва эзгу тилақларимизни етказишга ихозат бергайсиз.

Фестивалимизда иштирок этаётган фахрий меҳмонларимиз – ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фальт, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилотининг Осиё минтақаси бўйича Бош котиби Мун Хюнг Сук, Япониянинг “Мин-он” мусиқа уюшмаси президенти Хироясу Кобаяши жанобларига, бугунги маросимда ҳозир бўлган дипломатик корпус вакилларига самимий эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳлини кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сиз, азиз ҳамшаҳарларимга, барча-барчангизга ўзимнинг фарзандлик меҳрим ва ҳурматимни яна бир бор ихзор этаман.

Азиз мусиқа ихлосмандлари!

Муҳтарам дўстлар!

Мусиқа санъати инсонни ҳамиша эзгуликка чорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч, десак, ўйлайманки, ҳеч ким бу фикрни инкор этолмайди. Чиндан ҳам, дунёдаги турли миллат, тил ва этникдага мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлайдиган, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мусиқа санъати каби қудратли воситани топишнинг ўзи қийин.

Биз бу йил “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг ўнинчи – ўзига хос юбилей анжуманини ўтказмоқдамиз. Фестивалга асос солинган 1997 йилдан буён иштирокчи мамлакатлар жўғрофияси кенгайиб, уларнинг сони икки баробардан зиёд кўпайиб, 31 тадан 66 тага етганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсдан далолат беради.

Бу йилги мусиқа байрамимизга Осиё ва Африка, Европа ва Америка китъала-

рида, Шарқ ва Ғарб минтақаларида жойлашган ўнлаб давлатлардан ноёб истеъдод соҳиблари, машҳур ижодий гуруҳлар ташриф буюргани ўтган қисқа даврда фестивалимизнинг довруғи бутун дунёга тараннум этилиб, унинг обрў-эътибори ва нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Бунинг замирида аввало фестивалнинг юксак гуманистик ғоялари мужассам бўлиб, “Самарқанд руҳи ва фалсафаси” деган чуқур маъноли ибора халқлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, маданий мулоқотни ривожлантиришга, мумтоз мусиқа аънаёларини асраб-авайлашга олиб келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Бунда авваламбор мана шу майдонда тўпланган сизлар каби ҳақиқий санъат усталарининг жонқуярлиги ва фидойилиги, халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, ЮНЕСКОнинг муносиб ҳиссаси, ушбу анжуманини жону дили билан қўллаб-қувватлаб келаётган халқимизнинг катта қизматлари борлигини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хурматли дўстлар!

Шу кунларда буюк Шарқ тимсоли бўлган кўҳна Самарқанднинг замонлар руҳини ўзида мужассам этган ўлмас обидаларидан, мовий гўмбазлари ва юксак минораларидан, маҳобатли пештоқларидан гўёки асрлар садоси таралаётгандек, шу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган улуг мутафаккирлар, аллома ва санъаткорларнинг овозлари янграб тургандек туюлади.

Биз учун кўҳна тарихнинг ўчмас саҳифаларини очиб берадиган, Рим каби “абдий шаҳар” деган юксак эътирофга сазовор бўлган ана шу шаҳарда сизлар билан учрашар эканмиз, бугунги кунда турли муаммо ва зиддиятларга тўла замон қандай тез ўзгариб, қандай шиддат билан ўтиб бораётганини чуқур ҳис этамиз. Шу билан бирга, умримизга маъно-мазмун бахш этадиган маданият ва санъат олами билан яқиндан ошно бўлиш, жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу гўзал ҳаётни қадрлаш, халқларимизнинг маданий бойликлари билан бир-биримизни кўпроқ баҳраманд этиш заруратини янада теран англаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ер юзининг сайқали” деб шуҳрат қозонган кўҳна Самарқанд мана шундай шуқуқли айёмда, таъбир жоиз бўлса, жаҳон мусиқа санъатининг сайқалига, ўзига хос бетакрор марказига

айланиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади.

Америка Қўшма Штатларида чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири яқинда Самарқанд шаҳрини “Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган элликта шаҳри” рўйхатига киритди. Бу хабар жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарқалди ва ўйлайманки, сизлар бундан хабардорсиз.

Бу қадимий шаҳарнинг тарихи қанчалик буюк ва шарафли бўлса, унинг бугунги ҳаёти, замонавий қиёфаси ҳам шунга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳар томонлама обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўйлайманки, фестиваль кунларида сизлар шаҳримизнинг қадимий зиёратгоҳлари, майдон ва хиёбонлари, обод маҳаллаларида бўлиб, бу заминнинг кўпни кўрган, кўнгли очик, мард ва хушфёъл, ўз урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаб келаётган одамлари билан суҳбатлашиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Самарқанд халқининг меҳмондўстлик фазилатларидан баҳраманд бўлиб, бу афсонавий шаҳарга бир умр мафтун бўлиб қоласиз, санъатни чин дилдан севадиган, уни юксак қадрлайдиган эл-юртимиз вакиллари билан бўладиган самимий суҳбат ва мулоқотлар янги асарлар учун илҳом манбаи бўлиб қолади, десам, адашмаган бўламан.

Биз сизларни нафақат муҳтарам меҳмонларимиз, балки ўз халқининг қалби ва руҳини мусиқа орқали ифода этадиган, уларнинг эзгу орзу-истаклари ва саломини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари, ўзимизнинг энг яқин ва азиз дўстларимиз сифатида қабул қиламиз ва шарафлаймиз.

Сизларнинг мана шу улугвор саҳнада янграйдиган мафтункор куй ва қўшиқларингиз, дилбар тароналарингиз ҳар биримизнинг юрагимизда, жаёлимизда узоқ сақланиб қолади. Ўз қимматли вақтингизни аямасдан, бизга мана шундай ажойиб санъат намуналарини, мана шундай қувончли дақиқаларни бахш этганингиз учун барчангизга катта миннатдорчилик билдириш, ўзбекона раҳмат айтиш – мен учун катта шараф. Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим!

Шу юксак минбардан туриб, барчангизга яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, сизларга сихат-саломатлик, бахт ва омад, фестиваль ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд қўшалоқ байрам оғушида. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалига қўрилган тайёргарлик шаҳарга янада фойз ва чирой бахш этган.

Кенг ва озода кўчалар бўйида ранг-баранг байроқлар ҳилпирайди. Сўлим боғ ва хиёбонлар таровати кишига хуш кайфият бағишлайди. Одамлар юзидаги табассум катта байрам яқинлашаётганидан дарак беради.

Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар мусиқада ўз ифодасини топади. Уни тушуниш, таъсирини сезиш учун таржимон шарт эмас. Мусиқа халқларни, турли миллат ва элатларни бир-бирига танитади, яқинлаштиради.

Бугун Самарқандга келган киши ана шундай байрамона, дўстона муҳитнинг гувоҳи бўлади. Бу ерда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўнинчи бор ўтказилмоқда. Олтимиш олти мамлакат санъаткорлари, минглаб сайёҳлар ва мухлисларнинг бир-бирига ширинсўзлиги, очикюзлигини кўриб, давлатимиз раҳбарининг илк фестивалнинг очилиш маросимидаги қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади. Ишонаманки, “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойити, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларни бир-бирига яқинлаштиради”.

Бу олижаноб мақсадлар ҳаётда ўз ифодасини топомқда. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Самарқанд, Регистон майдони. 28 август, соат 19.00.

Муҳташам мадрасалар гулгун шафақ фониди янада гўзал ва салобатли кўринади. Бетакрор амфитеатр ҳосил қилган бу обидалар анжуманга ўзгача руҳ, улуғворлик бағишлайди. Мовий гўмбазлар ранг-баранг чироқлар ёғдусида жололанади. Майдон “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан тўлган. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, мусикашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан кутиб олади.

(Давоми 2-бетда)



• Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакиллари билан самимий кутловлар келмоқда.

• Халқимиз энг улуг, энг азиз айём – Мустақиллик байрамини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган шу кунларда Нукусда 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бош пудратчи “Хоразмгазкурилиш-монтаж” шўъба корхонаси томонидан барпо этилган ушбу турар жой асосан “Урганчтрансгаз” шўъба корхонасининг маҳаллий тармоқларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар оилаларига берилди.

• Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Фарғона вилояти Ёзёвон туманида замонавий дехқон бозори фойдаланишга топширилди. Бутунлай қайта реконструкция қилинган

деҳқон бозорида гўшт, сут, балиқ маҳсулотлари павильонлари, озиқ-овқат, қуруқ мева, нон, хунармандлик буюмлари дўконлари ташкил этилди. Янги расталарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини сақлаган ҳолда сотиш учун барча қулайлик яратилган.



• Швеция пойтахти Стокгольм шаҳридаги маърузасида физик-тадқиқотчи Стивен Хокинг ўзи ишлаб чиққан қора туйунқдан ахборотларни қайтариш назарияси тўғрисида маълумот берди.

• Испаниянинг Валенсия музофотида жойлашган Буньол шаҳрида поми-

дор жанглари бўйича фестиваль бўлиб ўтди.

• Таиланднинг Чиангмай музофотида жойлашган сайёҳлар дам оладиган ҳудуддаги филлардан бири тўсатдан кутуриб қолди. У ўзининг йўл бошловчисини чеккага улоқтириб ташлаган ҳолда устидаги ўриндикда жойлашган хитойлик етти нафар сайёҳни чангалзорлар сари олиб кетди.

• Австриянинг шимолий қисмида машиналар сақлаш жойига қўйилиб, узоқ вақт давомида қолиб кетган юк машинасида 50 нафар муҳожирининг жасади топилди. Тахмин қилинишича, қочқинлар машинада манзил томон кетаётган чоғларида бўғилиб, ҳаётдан кўз юмганлар.

ЖАҲОН УЗРА ТАРАЛМОҚДА “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”



(Давоми. Боши 1-бетда)

Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини кутлар экан, мазкур анжуманинг чуқур гуманистик руҳи ва фалсафаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мумтоз мусиқа аъёнларини асраб-авайлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестивал ишига муваффақият тилади.

ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фальт Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон тарихий ва маънавий меросини сақлаб, барча соҳаларда барқарор ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган концерт бошланади. Ўзбек мумтоз ашуллари дилларни ром этади, жозибдор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди. Томошабинлар дилтортар ашуллаларга жўр бўлиб, рақсга тушади. Ўзбек санъаткорлари ижросида жaxon классик композиторлари асарларидан намуналар янграганда фестиваль иштирокчиларию томошабинлар хайратга тушади. Мамлакатимизда миллий санъат билан бир қаторда жaxon мусиқа маданиятининг энг нодир намуналари ҳам севиб ижро этилишини намойиш этади...

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан суякдан ясалган 3 минг 300 йиллик най топилиши, қўна Афросиёб деворий суратларидаги муғаний ва созандалар тасвири, улуг алломаларимизнинг мусиқага оид фалсафий-эстетик қарашлари азалдан халқимизнинг мусиқий маданияти юксак бўлганини кўрсатади.

Абу Наср Форобий “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида товушларнинг вужудга келиши, қуйлар уйғунлиги, ритм ўлчовлари ва турларини шарҳлаб берган. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида юрак, асаб касалликларини мусиқа воситасида даволаш яхши самара беришини таъкидлаган. Комил Хоразмий Хоразм нотасини изхиро қилиб, “Рост” макомининг дебечасини ушбу нотага туширган.

Амир Темури даврида илм-фан ва санъатнинг барча соҳалари қатори мусиқа ва қўшиқчилик ҳам юксак дара-

жада ривожланган. Самарқандда турли ўлкалардан келган созанда ва хонадалар жам бўлган. Мусиқа кечалари ўтказилиб, ҳар ким ўз расми билан ашула айтган.

Бугун ҳам мамлакатимизда ўз ҳофизини, ўз санъаткорини бўлмаган кишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг хонадониди дотор, доира каби чолгу асбобининг бўлиши ҳам халқимизнинг санъатга илҳосидан далolat беради.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шашмақом, Катта ашула, Аския инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий мероси рўйхатида киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданият саройлари, санъат йўналишидаги коллеж ва лицейлар барпо этилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида 278 мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Улар 30 мингдан ортиқ янги мусиқа асбоблари, 61 минг нусха ўқув қўлланмалари, миллий ва жаҳон мусиқаси ноталари билан таъминланди.

“Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Нихол”, “Юрт келажиги”, “Камалат юлдузлари” каби кўрик-танловлар истеъдодли санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

“Шарқ тароналари” фестивали мамлакатимизда маданият ва санъатга қаратилган алоҳида эътиборнинг юксак намунасидир.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида ўтаётган бу галги фестивалга Самарқандда катта тайёргарлик қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Регистон майдони таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Амфитеатр кенгайтирилиб, ёритиш тизими янгиланди. Улугбек, Шердор, Тиллакорий мадрасалари реставрация қилинди. Қўсарой майдони, Амир Темури, Рухобод хўбонларида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, янги фавворалар бўёб этилди.

Самарқанддаги ўзгаришлардан жуда хурсандмиз. Бу ерга бутун дунёдан санъаткорлар келибди, — дейди меҳнат фахрийси Тўхта Худойназаров. — Бундай катта тадбирларни ташкил этишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало тинчлик-осойишталик, катта иқтисодий имкониятлар керак. Ўзбекистонимиз ана шундай ютуқларга эришаётгани учун Яратганга шукроналар айтамыз. Юр-

тимизга, тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин!

Фестивалнинг нуфузи ва қамрови тобора ортиб бормоқда. Қўллаб-қувватлаш, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намояндalарини унда қатнашиш истагини билдирмоқда. 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга 66 давлат санъаткорлари таширф бўлди. Фестиваль ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳам анжуманинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

...Маросим борган сари қизийди. Мумтоз ашуллалар, фольклор намуналари, завқли рақслар дилларни жўшти-ради. Шўх қуй-қўшиқлардан завқланган томошабинлар санъаткорларга жўр бўлади, рақсга тушади.

Дунёнинг кўп жойларида бўлганман, лекин ҳеч қаерда Самарқанддагидек бой таассурот олмаганман, — дейди эквадорлик созанда Тео Сакуилло. — Бу ерда қандайдир сеҳр бор. Бу ерда асллар учрашган, цивилизация ривожининг энг яхши жиҳатлари мужассам бўлган. Шарҳнинг диққатга сазовор жойларини айланиб охирига етолмаймиз. Тарихини, Ўзбекистонни ўзимиз учун қайта кашф этишимиз. Халқининг буюк меросига, тинч-хотиржам ҳаётига ҳавасимиз келди.

Қадим Регистон узра порлаган ранг-баранг мушаклар Самарқанд осмонидида юлдузлар каби бутун борлиқни мунаввар этади, кўнгилларга сурур бағишлайди...

Ушбу фестивал жаҳон санъат аҳлининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун яхши имконият яратмоқда, янги номларни кашф этиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимиз санъати ва маданиятини, шу билан бирга, замонавий тараққиёти ва сийёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуман қатнашчилари Регистон майдонидаги Асосий сахнадан ташқари, Оқдёр, Жомбой, Самарқанд, Тилоқ туманларида ҳам концерт дастурларини намойиш этмоқда. Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғлари ва хўбонлар, театрлар, маҳалла гузарлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, тўкин ва фаровон бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва меҳмондўст халқимиз билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Анвар САМАДОВ,

Ғолиб ҲАСАНОВ,

Ўза махсус мухбирлари

Сарвар Ўрмонов, Ёлқин Шамсидинов

олган суратлар

Кун кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари ҳамда Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИГИЛИШИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 9 апрелдаги “Тошкент шаҳрида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларнинг ижросига оид масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридида белгиланган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича қиёсқилибги хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинча муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали махсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини амалга ошириш бўйича шаҳарда олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳофаза этилди. Шунингдек, Жамоатчилик Кенгашига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатларини киритиш, Дастурга оид қарорнинг мазмун-моҳияти ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда ёш авлоднинг касб эгаллашда маҳалланинг ролини ошириш, мактабга таълим муассасаларида “Зумардойлар давраси” ва маҳаллаларда “Ораста қизлар” тўғрақлари фаолиятига эътиборни янада қўйиштириш кўзда тутилди ҳамда Дастур доирасида белгиланган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил

8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишчи ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш ва уларни уй-жой билан таъминлаш, жумладан “Камолот” ЁИХнинг кўп қаватли уйларида ёш оилаларга квартираларни ипотека кредити асосида ажратиш ҳамда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа масалаларнинг бажарилиши юзасидан масъул ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Бундан ташқари йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 9 апрелдаги “Тошкент шаҳрида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларнинг ижросига оид масалалар кўрилиб, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолияти мувофиқлаштирилиб, бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлилий баҳолаган ҳолда рағбатлантириш масаласини хал эъти ҳамда ёшларни ёт гошлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни спортга янада кенг жалб этиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда кўзда тутилган вазифалар қўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Қўшма йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимов, Б.Ғаниев, М.Зуфарова, К.Шакирова, Д.Раҳимжонов, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р.Хайтабаева, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи И.Абқаров, Урта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ф.Иноят, “Камолот” ЁИХнинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари А.Жумабоев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Шоабдукаримов, Қўриқчи ва инвестиция дастурлари департаменти бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Халматов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда қўрилган барча масалалар бўйича доимий комиссияларнинг ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўз – фестиваль иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДЕК ТИНЧ ВА ФАРОВОН ЮРТДА ЯШАШ, ИЖОД ҚИЛИШ — УЛУГ БАХТ

“Шарқ тароналари” Х халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари Регистон майдонида ўз дастурларини намойиш этмоқда, Самарқанднинг ноёб тарихий обидалари, замонавий иншоотлари билан танишмоқда.

Ўза мухбири уларнинг фикрлари билан қизикди.

Тео КАХ ЧИН, созанда (Сингапур):

— Қарийб етмиш мамлакатдан келган санъаткорлар иштирок этаётган бу нуфузли фестивалда илк бор иштирок этилган. Турли ўлкалар миллий куй-қўшиқлари, ўзига хос рақс ижроларидан баҳраманд бўлиб, ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиб, ҳузурланамиз.

Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори санъатни изчил ривожлантиришга, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборга ҳавас қилса арзийди.

Фестиваль сабаб дунёга машҳур, қадимий ва замонавий шаҳарларингиз — Тошкент ва Самарқандни кўриш бахтига муяссар бўлди. Ушбу шаҳарлар юксак даражада такомиллашган инфратузилмаси ва қўллаб-қувватлаш сазовор жойлари билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Амир Темури мақбарасининг мураккаб меъморий ечимларидан ҳайратландим. Буюк аждодларингиз улкан салоҳияти ва юксак иқтидоридан далolat берувчи бундай тарихий обидалар, улуг алломаларнинг хоки қўйилган муқаддас қадамжолар менга катта маънавий куч, руҳий қувват бағишламоқда.

Самарқанд вилояти Оқдёр туманига концерт дастури намойиш этиш учун борганимизда, у ерда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларни кўриб, мамлакатингиз раҳбарияти халқингизнинг обод ва фаровон ҳаёт кечириши учун улкан ҳайрли ишларни амалга ошираётганига гувоҳ бўлдим.

Светлана МУХИЮР, Халқаро маданий уюшма президенти (Финляндия):

— Ташкилотимиз санъаткорларининг халқаро мусиқий анжуманларда иштирокини уюштириш билан шуғулланамиз. Жаҳонда шундай тобора ошиб бораётган “Шарқ тароналари”да Финляндиядан ҳам қўллаб-қувватлаш иштирок этиш иштиёқида эди.

“Шарқ тароналари” мусиқа фестивали инсонларни эзгулик, гўзаллик, нафосат каби ҳислатларга, ҳайрли ишларга даъват этиб, дунё халқларининг нодир мусиқий мероси ва аъёнларини тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Мафтункор Самарқандда ўтказилаётган мазкур халқаро фестиваль тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситаси билан муштарак мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштиришда муҳим омил бўлаётди.

Самарқанд нонларини ширинликлари, лаззатли таомлари мени ҳайратга солди. Ўзбекистон — ҳақиқатда жаннатмонанд юрт, Самарқанд — эрталаб шаҳри экан. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, салимийяти, айниқса, санъат аҳлига бўлган ҳурматдан гош мамнун бўлдим.

Ким Жей КЕНГ, “Пунг Рю” ансамбли аъзоси (Корея Республикаси):

— Турли миллат ва элат вакиллари таржимаи ҳолда бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу нуфузли фестивалда иштирок этаётганимиздан бошимиз осмонга етди. Регистон том маънода жаҳон маданиятининг кўзгусидир. Бу ерда куйлаш кишига катта илҳом бағишлайди. Шу маънода фестивалнинг айнаи шу маҳобатли майдонда ўтказилиши ҳар бир иштирокчиға илоҳий қудрат, жўшқинлик ва бекиёс куч ато этади. Ансамблимиз аъзолари ҳам Регистонда қўшиқ қўйлаб, олам-олам завқ олди.

Ўзбек ва корей халқларининг аъёна ва қадриятлари, хусусан, мусиқасида муштараклик сезилди. Маданий соҳалардаги алоқаларимиз ҳам узок ўтмишга эга. Бу нуфузли анжуманда яна бир қарра ўз исботини топмоқда. Ўзбек томошабинлари куй-қўшиқларимизни катта қизиқиш ва олқишлар билан кутиб олмоқда.

Самарқанд бизда унутилмас таассурот қолдирди. “Афросиёб” музейи, Шохи Зинда мажмуаларини томоша қилиб, руҳий қувват олди. “МАН” заводи фаолияти билан танишиб, Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий қудратига таҳсинлар айтдик.

Сели АКТУ, санъаткор (Бангладеш):

— Бангладеш мусиқий гуруҳлари “Шарқ тароналари”нинг доимий иштирокчиларидан ҳисобланади. Ушбу анжуман бизда ҳар доим катта қизиқиш уйғотиб келган. Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтаётган ушбу нуфузли танловда ўз санъатимизни намойиш этиш бахтига мушарраф бўлаётганимиздан гош хурсандмиз.

Ўзбекистонлик санъат шинавандалари қўшиқларимизни қандай қабул қилар экан, деган ҳадик бор эди. Муҳлислар чиқишларимизни алоҳида эътибор билан қарши олди. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Азалдан фан ва маданият гуллаб-яшнаган Ўзбекистонда миллий мерос, аъёна ва қадриятлар юксак қадр топаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бетакдор санъатингиз — қалбларни сел қиладиган куй-қўшиқлар, нафис ҳаракатларга йўғрилган жозибдор рақслар халқингиз даҳоси нақадар юксак эканидан далolat беради.

Ўзбекистондек тинч ва фаровон юртда яшаш, ижод қилиш — улуг бахт.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.



ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримов Фармониға мувофиқ табаррук 100 ёшдан ошган бир гуруҳ юртдошларимиз “Шўҳрат” медали билан тақдирланди.

Меҳнаткаш халқимизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эъзоз намунаси бўлиши учун мукофотлар табарук ёшдаги кексаларимизга тантанали тарзда топширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири шаҳримизнинг Мирзо Улугбек туманидаги “Катта Олтинтепа” маҳалласида истиқомат қилаётган Салима ая Ғаниева хонадонидида ҳам бўлиб ўтди. Истиқлолнинг кўтлуг йилгирма тўрт йиллик байрами арафасида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари билан онахоннинг хонадонига келиб, уни Президентимиз Ислам Каримов номидан табриклади ва давлатимизнинг ушбу юксак мукофотини топширди.

101 ёшга кирган Салима ая умри давомида Ватани, фарзандларига ҳаллолик, меҳнатсеварликда ўрнак қўсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўп йиллар шахримиздаги трикотаж фабрикасида ишлаган. 8 нафар фарзанд, 25 набаира, 47 авара, 15 чеваранинг севибли бўвиси бўлиши пири-бадавлат ая шундай дорилмон кўнрагга етиб келганига шукрона келтирилган чарнамайд. Фарзандларининг барини олий маълумотли, юрт қорига ярайдиган этиб тарбиялашда аянинг хизматлари катта.

— Истиқлол туғайли қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам тикланди, — дейди дуога қўл очаркан Салима ая Ғаниева. —

Осойишта юртда фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Айниқса, биз кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан бениҳоя мамнуммиз. Гўзал юртимизга кўз тегмасин, хонадонлардан файзу баракат аримасин. Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат ва эъзоздан кўнглимизнинг нурафшон бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтаман.

— Салима ая истиқомат қилаётган файли уй маҳалламизнинг энг намунали, ибратли хонадонларидан саналади, — дейди “Катта Олтинтепа” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиза Зайнуллонова. — Юзларидан нур ёғилиб турувчи аянинг олдиға кириб, маслаҳатларини оламиз. Бой ҳаётий тажрибаға эға ая йул-йўриқ кўрсатиб, ҳеч кимдан маслаҳатларини аямайди.

— Фаровон турмушимиз, тинч-осойишта ҳаётимизнинг бари улуг неъмат бўлиши Мустақиллик шарофатидандир, — дейди аянинг қизи Гулсара Рустамова. — Доим сабр-қаноат, шукроналик билан яшаш, ҳалол меҳнат қилишни онамдан ўргандик. Онам бизни оқ ювиб, оқ тараб, меҳнатнинг таги роҳатлигини тақдорлашдан чарнамасди. Уларнинг ўғитларига амал қилиб, шундай бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқдамиз.

Шоира МУХАМЕДОВА,
Зиёда РАСУЛОВА
Ислам Исмоилов
олган сурат

Реклама ўрнида

Азим пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини Энг улуг ва энг азиз байрам — юртимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги билан самимий қутлаймиз. Келажаги буюк мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, улкан ютуқларга эришиб, юксалиб бораётгани ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Ҳамиша мусаффо осмонимиз чарақлаб турсин, тинчлик қуёши порлаб нур сочаверсин!



“O‘ZBEKISTON”
нашриёт-матбаа
ижодий уйи
жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИНОФОТОФОНО ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ўйлаган режаларингиз, эзгу ишларингиз албатта рўёбга чиқсин.

Халқимизнинг ризқи-рўзи зиёда, толеи баланд,
барчамизга бахт, омад ва мустаҳкам соғлиқ ёр бўлсин.



ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси давлати мустақиллигининг 24 йиллиги байрами тантаналарининг ўтказилиши муносабати билан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, 2015 йил 31 август куни қуйидаги кўчаларда барча турдаги транспорт воситалари ҳаракатининг чекланиши маълум қилинади.

2015 йил 31 август куни соат 15.00 дан то 23.00 гача:

Бунёдкор кўчаси — Муқимий кўчаси-дан Қоратощ кўчасигача;
Қоратощ кўчаси — Самарқанд дарвоза кўчасидан Бунёдкор кўчасигача;

Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор кўчасидан Олмазор кўчасигача;
Бобур кўчаси — Ўрикзор кўчасидан Шаршара кўчасигача;
Бешёғоч кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Фурқат кўчасигача;
Фурқат кўчаси — Шаршара кўчасидан А.Навоий кўчасигача;
Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Бешёғоч кўчасигача;
Сабзор кўчаси туннелга кириш йўлидан; Зарқайнар кўчаси туннелга кириш йўлидан.

Шунингдек, 2015 йилнинг 1 сентябрь куни байрам тадбирлари ўткази-

ладиган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, Тошкент Ҳайвонот боғи, “Ўзбекистон Давлат цирки”, “Бахт диёр” гузари олдидаги майдонларга ва Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ҳамда “Локомотив”, Фурқат, “Сувчи” даҳасидаги “Куёшча нури” номидаги маданият ва истироҳат боғларига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновли вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши мумкин.

ҚАДРАЙ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни азиз ва жонажон юртимиз Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами билан самимий табриклаймиз. Мамлакатимиз фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ
ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

“CAPITAL REALTOR GROUP” МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Capital Realtor Group” МЧЖда 2015 йил 22 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Сергели туман СИБ томонидан, 2015 йил 27 май кунги 01-958/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели-2 Г40 даҳаси, 2-уй, 24-хонадонда жойлашган, умумий майдони 44,19 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда. Бошлангич нархи 56 250 000 сўм. Ушбу қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили ишларида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш ушун талебдорлардан аризалар ҳафтаининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичига бир иш куни қилганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар қўйилган мулк бошлангич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда “Capital Realtor Group” МЧЖнинг “Капиталбэк” АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбўғи кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24. Лицензия: № RA-0017.

“Тошкент оқшом” газетасининг 2015 йил 30 июль кунги 150-сонида чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, Ойбек номидаги маҳаллада жойлашган дўконнинг аукцион савдоси Юнусобод туман суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 25 август кунги қатига асосан тўхтатилади.

“Capital Realtor Group” МЧЖ маъмурияти.



МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА ҚАТНАШИШАДИ

Футбол бўйича ўн тўққиз ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йил 28 сентябрь — 6 октябрь кунлари Бангладешда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш ўйинларига тайёргарлик кўриш мақсадида Хитойдаги халқаро мусобақада иштирок этади.

Ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Жасур Абдураимов 7 сентябрь кuni бошланадиган турнирда жалб этилган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра Хитойга кўйидаги футболчилар борадиган бўлишди: дарвозабонлар — Ш. Раимов, У. Ҳамроев, Ҳимоячилар — Ҳ. Гофуров, Х. Авиллов, Т. Раҳимбердиев, Ф. Йўлдошев, Л. Адамов, ярим ҳимоячилар — Х. Алижонов, Ж. Аҳмадов, Ж. Юсупов, И. Қобилов, Ш. Муҳитдинов, С. Қодиқулов, А. Ганиев, С. Нуриллаев, С. Давлатжонов, Д. Иброҳимов, Н. Тўхтасинов, ҳужумчилар — Б. Фанижонов, Ж. Яхшибоев, Б. Абдуҳаликов, Д.Талхатов, М. Мираҳмедов.

Маълум бўлишича таркибдан асосан 1997 йилда туғилган спортчилар ўрин олган бўлиб, фақат Жаҳонгир Аҳмадов ва Бегзод фанижоновлар жамоадoshларидан кўра бир ёш кичик. Мусобақада Ўзбекистондан ташқари Япония, Сурия ҳамда Хитой ёшлар терма жамоалари ҳам қатнашади.

Ботир ХўЖАЕВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Ҳ/ф.
7.25 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
8.00 "Тахлил-24".
8.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
9.30 "Бахтли болалик".
10.10 "Иқлим".
10.20 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Тахлил-24".
11.30 "Иқлим".
11.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Туйлар муборак!" Б/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳудоят сари".
14.45 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
15.10 "Завқот".
15.15 "Ўзбекистон кўп миллатли аҳли оила".
16.35 "Иқлим".
16.40 "Қушлар ҳаёти".
17.00 "Ер-ёр". Б/ф.
18.00 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
18.30 "Ахборот" /рус/.
19.00 "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари".
20.00 "Қушлар ҳаёти".
21.00 "Ахборот" /рус/.
21.40—00.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
00.40 "Қушлар ҳаёти".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.

3.30 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
5.15—5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Парвона". Спектакль.
8.10 "Ёшлар навоилари".
8.30 "Ватан". Б/ф.
10.00 "Мардлар кўриқлайди Ватани".
10.30 "Суюнчи". Б/ф.
11.50 "Биз киммиз?".
12.10 "Фан ва ёшлар".
12.30 "Шероҳ". Б/ф.
15.30 "Раҳмат, ака!". Ҳажвия.
17.30 "Юрт келажаги".
18.00 "Истиқлол шукҳи".
18.10 "Ёшлар навоилари".
18.30 "Давр".
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 "Имкон-шоу".
21.50 "Айёмингиз муборак!".
22.00 "Давр".
22.30 "Маҳаллада дув-дувган". Б/ф.
00.00 "Истиқлол шукҳи".
00.10 "Келажакни кузалаб".
00.30 "Санъат ва савҳат".
1.40 "Шарқ гавҳари".
4.10 "Суюнчи". Б/ф.
4.20 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
5.30—6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 22.00, "Роҳат".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.00 "Ким эдигу, ким бўлдиқ?"

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Ҳ/ф.
7.25 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
9.30 "Иқлим".
9.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
10.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
13.00 "Марғиёна". Б/ф.
15.20 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.05 "Иқлим".
16.10 "Тахлил-24".
16.30 "Ахборот", инглиз./рус/.
16.40 "Сўбатдош".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ўқимлик". Б/ф.
18.25 "Иқлим".
18.40 "Ўзбекистон — кўп миллатли аҳли оила".
19.05 "Кўнгил ободлиги".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили". "Эъзоз".
20.30 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
22.10—23.40 "Чол ва набира". Б/ф.
23.40 "Тахлил-24".
00.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
00.40 "Кўнгил ободлиги".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чеч". Спектакль.
4.00 "Ахборот".

4.35 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
5.10 "Эъзоз".
5.30—5.55 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Келинлар кўзгалари".
8.00 "Ёшлар навоилари".
8.30 "Санъат". Б/ф.
11.50 "Имкон-шоу".
12.30 "Учрашув". Б/ф.
13.40 "Келажакни кузалаб".
14.00 "Ош бўлини".
14.30 "Шарқ гавҳари".
15.10 "Тумарис". Ҳ/ф.
15.40 "Янги Ҳандалак".
16.10 "Сенга ошқиман". Т/с.
17.00 "Ўшайди-ку!".
18.50 "Истиқлол шукҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Чанор остидаги дуъа". Б/ф.
20.40 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
20.50 "Ёшлар навоилари".
21.10 "Сенга ошқиман". Т/с.
22.30 "Давр".
22.40 "Қаҳрилар". Б/ф.
00.10 "Имкон-шоу".
1.50 "Биз киммиз?".
2.10 "Юрт келажаги".
2.30 "Раҳмат, ака!".
4.30 "Учрашув". Б/ф.
5.30—6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 22.00, 2.00 "Роҳат".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Пазанда".
9.45 "Роҳат-репортаж".

9.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Буюк ва шонли йул".
9.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Роҳат-репортаж".
10.20 Миллий кино: "Фақат, галаба".
11.40 "Ким эдигу, ким бўлдиқ?".
11.45 "Роҳат-репортаж".
12.10 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.45 "Чемпион оила".
13.15 "Телехит".
13.45 "Роҳат-репортаж".
14.10 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайри тоғи".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Қорақалпоқ спорт".
6.25 АНОНС.
6.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Орзулар келаси".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
7.05 АНОНС.
7.30 "Хабарлар".
8.30 АНОНС.

ДУШАНБА, 31

15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Буюк ва шонли йул".
15.30 "Умр бекатлари".
16.15 Миллий кино: "Умид".
17.45 "Роҳат-репортаж".
18.15 "Телемаркет".
18.30 "Рашан".
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
21.35 "Телемаркет".
21.50 "Ким эдигу, ким бўлдиқ?".
22.20 "Навдини". Ҳ/ф.
23.45 "Роҳат-репортаж".
00.05 "Бахт кўргони".
00.35 "Қадр ортда".
1.10 "Пойтахт-репортаж".
1.15 "Ахил оила".
1.40 "Самурайлар байроғи". Б/ф. 1—2 қисмлар.
3.55—5.55 "Тошкент вақти".

8.35 Интерфутбол.
10.15 Велоспорт.
11.05 "Муңдиал сари".
11.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Ўзбек спортининг оидилари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Теннис АТР/ВТА турнири.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Соғлом турмуш сари".
15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Шоҳсупа". Сериал.
16.20 АНОНС.
16.25 "Техноспорт".
16.30 "Болалар спорт".
16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Rekord.uz".
18.00 ХАБАРЛАР.
18.20 "Спорт сайраси".
18.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Ватан шаъни".
18.55 АНОНС.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Мураббий".
21.20 "Спорт-маркет".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 "Футбол шарҳи".
22.45 Дзюдо. Жаҳон чемпионати.
23.45 "Sportreport".
00.00 АНОНС.
00.05 Интерфутбол.
1.40 ХАБАРЛАР.
2.00 АНОНС.
2.05 Профессионал бокс.
2.55 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
4.05 Велоспорт.
4.55 АНОНС.
5.00—6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Полет чуждес".
08.00 Новости.
08.10 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово!".
09.35 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Двойная жизнь".
13.10 Смак.
14.00 Новости.
14.20 "Мужское/Женское".
16.05 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.

18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Двойная жизнь".
22.20 Ночные новости.
22.35 Детектив "Свидетели".
00.25 Х/ф "Я, робот".
02.00 Новости.
02.05 Х/ф "Я, робот".
02.20 "Мужское/Женское".
03.05 Модный приговор.

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Шаманка".
00.45 Т/с "Вечный зов".
02.15 Т/с "Служба доверия".
04.05 "Комната смеха".

НТВ

05.00 НТВ утром.
06.10, 07.05 Т/с "Лесник".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
08.00, 09.20 Т/с "Дорожный патруль".
11.00, 12.15 Суд присяжных.
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.00, 15.20 Т/с "Москва. Три вокзала".
17.00 Говорим и показываем.
18.40 Т/с "Береговая охрана-2".
20.30 Т/с "Шеф".
22.30 Анастасия дна.
23.10 Т/с "Розыск".
01.00 Снего в СССР.
02.00 Т/с "Час Волкова".
04.00 Все будет хорошо!

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
7.00 "Қушлар ҳаёти". Ҳ/ф.
7.25 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Жанубий Америка табиати". Ҳ/ф.
9.35 "Тоғи газети". Т/с.
10.20 "Иқлим".
10.30 "Қушларнинг бири".
10.45 "Навий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Тадбиркорлар телеклуби".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
13.00 "Опа-сингил Эллиотлар". Т/с.
13.45 "Табиат мўжизаси". Ҳ/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қўрганларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Жийда гули".
15.15 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
15.40 "Иқлим".
15.50 "Келинлар кўзгалари". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Ҳойот сири — астероид". Ҳ/ф.
17.40 "Иқлим".
17.45 "Сен ёлғиз эмассан".
18.00 "Бўрилар замини". Т/с.
18.35 "Агроолам".
18.55 "Нотариус маслаҳати".
19.05 "Менинг боғим".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Тахлил-24".
20.20 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".

21.10 "Сенга ошқиман". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Ҳўртга кетиб". Б/ф.
00.10 "Мўжизавий дунё".
1.30 "Пуаро". Т/с.
3.10 "Амир Темур". Ҳ/ф.
4.10 "Шарқ гавҳари".
5.00 "Бир қадам". Т/с.
5.30—6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00, "Роҳат".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
12.10 "Муҳаббат тантанаси".
9.50 "Роҳат-репортаж".
10.20 "Касп". Т/с.
11.10 "Уста".
11.45 "Роҳат-репортаж".
12.10 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.45 "Роҳат-репортаж".
13.15 "Ҳикматли дунё". "Омонат".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Ҳўртга кетиб". Т/с.
15.50 "Роҳат-репортаж".
16.15 "Хорчилар". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Роҳат-репортаж".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
19.50 "Ким эдигу, ким бўлдиқ?".
20.20 "Ҳўртга кетиб". Т/с.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Буюк ва шонли йул".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Навий баи". Ҳ/ф.
23.40 "Эртанинг азалари".
00.05 "Қадр ортда".
00.30 "Кўнгил ҳайратлари".

19.30 "Евротайм".
20.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Халқ ўйинлари".
20.20 "Спорт-маркет".
20.25 "Евротайм".
20.55 АНОНС.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Ўзбек спортининг оидилари".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 Теннис. АҚШ очик чемпионати.
23.40 "Sport-report".
23.55 "Техноспорт".
00.00 АНОНС.
00.05 Волейбол. Жаҳон кубоги.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 Интерфутбол.
3.25 Велоспорт.
4.25 АНОНС.
4.30—6.00 Теннис. АҚШ очик чемпионати.

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.
08.10 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово!".
09.35 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Двойная жизнь".
13.05 Смак.
13.40 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет".
14.50 "Мужское/Женское".
15.15 "Наедине со всеми".
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Двойная жизнь".
22.20 Ночные новости.
22.35 Детектив "Свидетели".

ЧОРШАНБА, 2

22.20—23.40 "Муҳаббат кассиси". Б/ф.
23.40 "Иқлим".
23.50 "Қўрганларимиз ҳақида".
23.55 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
00.40 "Тахлил-24".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
2.30 "Келинлар кўзгалари". Б/ф.
3.40 "Агроолам".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
5.20 "Навий олами".
5.35—5.55 "Менинг боғим".

Спорт

6.00 "Хайри тоғи".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Ўзбек спортининг оидилари".
6.25 АНОНС.
6.30 "Болалар спорт".
6.55 АНОНС.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
9.55 Автоматоспорт.
9.40 "Осиё футбол".
11.00 "SPORT NEWS".
11.10 АНОНС.
11.15 "Экстрим".
11.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Истиқлол футбол". Хужжатий фильм.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Велоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
15.25 АНОНС.
15.30 Профессионал бокс.
16.20 "Нишонга олдим".
16.30 АНОНС.
16.35 Теннис. АҚШ очик чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Давр мавзуси".
18.20 "Техноспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: "Истиқлол футбол". Хужжатий фильм.
19.25 АНОНС.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Фармоишбери аразлари". Спектакль.
7.50 "Ёшлар навоилари".
8.10 "Пуаро". Т/с.
8.50 "Телехит".
10.00 "Давр".
10.10 "Шавкатли Айвенов ҳақида касса". Б/ф.
11.40 "Суз ёшларга".
12.10 "Бир қадам". Т/с.
12.50 "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!".
13.00 "Давр".
13.10 "Қўл бўйидаги уй". Б/ф.
14.50 "Юрт келажаги".
15.10 "Ҳўртга кетиб". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Сенга ошқиман". Т/с.
17.00 "Огоҳ бўлинг!".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Қимматга тушган ҳуш-халоват". Б/ф.
18.50 "Истиқлол шукҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Ҳўртга кетиб". Т/с.
20.20 "Қушларнинг тенгдошлари".
20.50 "Ёшлар навоилари".

1.00 "Роҳат-репортаж".
1.10 "Касп". Т/с.
2.10 Миллий кино: "Келажакни кузалаб".
3.55—5.55 "Тошкент вақти".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Х/ф "И шарик вернется".
00.55 Т/с "Вечный зов".
02.50 Т/с "Служба доверия".

НТВ

05.00 НТВ утром.
06.10, 07.05 Т/с "Лесник".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 18.00, 09.20 Т/с "Дорожный патруль".
11.00, 12.15 Суд присяжных.
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.00, 15.20 Т/с "Москва. Три вокзала".
17.00 Говорим и показываем.
18.40 Т/с "Береговая охрана-2".
20.30 Т/с "Шеф".
22.30 Анастасия дна.
23.10 Т/с "Розыск".
01.00 Снего в СССР.
02.00 Т/с "Час Волкова".
04.00 Все будет хорошо!

(Давоми келгуси сонда)